

Лексикани Система Сифатида Ўрганиш Муаммолари Ва Ечимлари

Собиров Абдулхай Шукирович¹

Аннотация: Мақолада лексикани система сифатида тадқиқ этиш, лексик сатҳдаги семантик майдонларни аниқлаш, ундаги узвлараро муносабатларни белгилаш масалалари мисоллар келтириш орқали изоҳланган.

Калит сўзлар: тилшунослик, систем-структур тилшунослик, лексика, система, лексик система.

XX асрнинг 2-ярмида анъанавий тилшунослик ёнида янги систем-структур тилшунослик пайдо бўлди. Баъзи манбаларда уларни бир-бирига нисбатан қарши қўйиш ҳолатлари кузатилади. Лекин, аслида, улар тенг ҳуқуқли, бир-бирини рад этмайдиган, аксинча, бири иккинчисининг натижаларига асосланадиган, ҳозирги кунда баб-баравар қадам ташлаётган йўналишлар саналади [1]. Шунга боис, систем-структур тилшунослик ёки тизим тилшунослиги деб аталаётган оқимга айрича қараб бўлмайди, балки унга тилшуносликнинг истикболли йўналиши сифатида қараш маъқул бўлади.

Тил ўзига хос имо-ишоралар системаси, жамиятда асосий ва энг муҳим фикр алмашиш қуроли, жамият тафаккури ривожланишини таъминловчи, авлоддан авлодга маданий-тарихий анъаналарни етказувчи мураккаб ва кўп қиррали ходиса сифатида бизга ҳали барча қирраларини намоён қилганича йўқ. [2] Уни ўрганишда давом этяпмиз. Тилга систем-структур ёндашиш унинг бизга маълум бўлмаган жиҳатларини очиб беришда муҳим ўрин тутиши табиий.

Замонавий тилшуносликнинг йирик вакилларида бири Л.Ельмслев ўз қарашларининг асосини эмпиризм ташкил этишини таъкидлаганди. Унинг моҳияти соддаликка интилиш, тўлиқлик, мантикий изчиллик ва зиддиятларга йўл қўймасликдан иборат эди [3]. Бундан дедуктивликка асосланган барқарор, ўзгармас тил бирликларини аниқлаш ва уларнинг нутқий жараёнда воқеланишини белгилаш систем-структур тилшуносликнинг бош вазифаси эканлиги ойдинлашади. Оз сонли фигуралар билан чексиз ҳосилаларни вужудга келтириш мумкин. Бу эса тилни система сифатида ўрганишнинг етакчи тамойилидир.

«Тилни, – деб ёзади атоқли тилшунос олим В. фон Гумбольдт, – ҳар бир толаси бошқа толалар билан чамбарчас боғланиб кетган улкан матога ўхшатиш мумкин. Инсон ҳар қандай мулоқот чоғида ушбу улкан матонинг кичик бир қисмидан фойдаланади, холос, ва айни чоғда, у ўзи ишлатаётган қисмнинг бошқа қисмлар билан мустаҳкам ички алоқада эканлигини нутқ жараёнининг ўзидаёқ сезиб туради» [4].

Демак, тилга мунтазам алоқадорликдаги элементларнинг муносабатидан ташкил топган яхлит бир бутунлик сифатида қараш, унинг асосий бирлиги саналган лексеманинг лисоний ва нолисоний белгиларини турли хил аспектларда туриб мукамал тадқиқ этиш систем-структур тилшуносликнинг моҳиятини ташкил этади.

Лексикани бутун қўлами билан система сифатида тадқиқ этиш, лексик сатҳдаги семантик майдонларни аниқлаш, ундаги узвлараро муносабатларни белгилаш масаласи ўз тадқиқотчисини кутиб ётганди. Ушбу монографияда лексик сатҳнинг тилга олинган тадқиқотларда ишланмаган жиҳатларига асосий эътибор қаратилди. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш, тилдаги семантик майдонларни аниқлаш ва уларни ташкил этувчи узвларнинг гносеологик, аксиологик, онтологик табиатини очиб бериш ва шу асосда идеографик (тезаурус) луғатлар тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш ушбу монографиянинг асосий мақсади саналади.

Олам ва унинг тилдаги ифодаси азал-азалдан инсонларни чуқур ўйлантириб келади. Ўн саккиз минг оламнинг сарвари, Яратган Эгамнинг суюкли бандаси сифатида инсонга бошқа биронта жонзотда учрамайдиган буюк неъмат, илохий куч-қудрат намунаси саналган тил ато этилган. Инсон тили ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали ходиса саналади.

Оламнинг ўзига хос мазкур системасида инсон марказий ўринни эгаллайди. У тили ёрдамида ер юзидаги жамики ҳайвонлардан фаркли ўлароқ оламга фоал таъсир этиш, уни ўзгартириш имкониятига, катта куч-қудратга эга бўлган олий хилқат саналади. Оламни билиш, тафаккур қилиш ва шахс сифатида жамиятда фаол иштирок этиш учун инсон ўз тилидан, яъни минг йиллар давомида юзага келган муайян сўзлар хазинаси ҳамда қодаларнинг мукамал системасидан максимал даражада фойдаланишга интилади.

¹ Филология фанлари доктори проф, Андижон давлат университети

Шу ўринда система лексемасига тўхталиб ўтишга тўғри келади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да система лексемасининг 10та маъноси берилган:

СИСТЕМА [юнунча systema – яхлит, қисмлардан таркиб топган].

1. Иш-ҳаракат, жараён ва шу кабиларда қисмларнинг ўзаро жойлашиши ва боғлиқлигидаги тартибот, тизим.
2. Нарса, ходиса ва тушунчаларнинг таснифи. *Линнейнинг ботаник системаси.*
3. Бирор таълимотда асос бўлган қоидалар, қарашлар, тамойиллар мажмуи. *Декартнинг фалсафий системаси.*
4. Бирор иш методлари, тартиб усуллари мажмуи. *Таълим-тарбия системаси.*
5. Қонуний тартибда жойлашган ва ўзаро узвий боғланган қисмлардан, элементлардан таркиб топган бутунлик. *Тилнинг товуш системаси.*
6. Вазифаларига кўра бир хил ёки ташкилий жиҳатдан бир бутун бўлиб бирлашган ташкилотлар ёки муассасалар мажмуи. *Халқ маорифи системаси.*
7. Бир мақсад, айна бюир иш, вазифани бажариш учун белгиланган мослама, машина, механизм ва шу кабилардан таркиб топган яхлит техник қурилма. *Исотиш системаси.*
8. Бирор ишни ташкил этиш, уюштириш ёки амалга ошириш шакли, принципи. *Сайлов системаси.*
9. Ижтимоий тузум, ижтимоий қурилиш шакли.
10. Меъёрий, одатий, мунтазам тусга кирган, шу тарзда амалга ошадиган иш-ҳаракат, жараён [5].

Изоҳларнинг барчасида система атамаси остида муайян қонун-қоидаларга бўйсунадиган, бир қанча қисмлардан ташкил топган бутунликнинг маълум бир жиҳатлари назарда тутилган.

Аслида, система атамаси тилшуносликка аниқ фанларда эришилган ютуқлар натижасида кириб келди. Карл Линней (1709-1778), Жан Батист Ламарк (1744-1829), Чарлз Дарвин (1809-1882) каби олимларнинг ўсимлик ва ҳайвонлар систематикаси, органик оламнинг эволюцион назарияси, Д.И.Менделеевнинг кимёвий элементларнинг даврий системаси каби буюк кашфиётлари таъсирида тилга ҳам система сифатида қараш юзага келди. [6]

Моддий олам ва уни ташкил қилувчи элементларнинг муайян тартиб-қоидалар асосида яхлит бир бутунликни ташкил қилиши ва айна пайтнинг ўзида алоҳида тур-жинслар сифатида аниқ бир майдонлар ичида ҳаракатланиши ҳақидаги назария негизида фанда систем тилшунослик атамаси шаклланди ва ривож топди. Бу ҳақда мазкур йўналишнинг асосчиси ҳисобланган Фердинанд де Соссюр (1857-1913) ўзининг “Cours de Linguistique generale” (Умумий тилшунослик курси) асарида шундай деб ёзади: «Тил яхлит бир бутунликни ташкил қилувчи элементларнинг системасидир. Уни ташкил этувчи ҳар бир элементнинг маъноси бир вақтнинг ўзида системани ташкил қилаётган бошқа элементларнинг мавжуд бўлишидан келиб чиқади» [7].

Дарҳақиқат, «...моҳиятини ҳалигача ҳеч ким англамаган, умри давомида имкониятларининг миллиард-миллиардининг бир қисмидан ҳам ҳеч ким фойдаланишга улгуролмайдиган, чексиз саналган тил санокли маъно гиштчалари (семалар), шакл бирликлари (30-40 фонема) ва муносабат турларининг ўзаро ранг-баранг бирикиб, кўз кўролмайдиган, кулоқ эшитиб ниҳоясига етолмайдиган турли-туманликни ташкил этади. Буни фақат риёзиётда ўн рақами ва тўрт амалнинг соддалиги, риёзиёт эса шуларнинг турли хилдаги бирлашувларининг натижасидан иборатлиги билан ёки моддаларининг хилма-хиллигини санаб, тавсифлаб поёнига ета олмайдиган қуёш тизими сайёраларидаги барча моддаларни Д.И.Менделеевнинг кафтдек келадиган кимёвий элементларнинг даврий жадвали ўз ичига олиши билан қиёслаш мумкин. Тилшуносликнинг вазифаси эса мана шундай тизимни очишдан иборатдир» [8].

Фердинанд де Соссюр тилшуносликка система сўзини олиб кириб, уни янги сифат босқичига кўтарилишини таъминлади. У ўз қарашларида тилни тадқиқ қилишдаги икки муҳим аспектни: синхрония билан диахронияни бир-биридан ажратган ҳолда тилдаги системавий алоқаларни фақат синхронияда ўрганиш мумкин, диахрония тарих каби бу муносабатларни йўқотиб боради, деб ҳисоблаган эди [9].

Тилнинг системавий характерини очиб бериш учун унинг структурасини (ички тузилишини) билиш аҳамиятлидир. Ҳар қандай тилда фонологик сатҳ, морфемик сатҳ, лексик сатҳ, морфологик сатҳ, синтактик сатҳ, суперсинтактик сатҳ мавжуд бўлади.

Тилнинг қиммат жиҳатидан бир хил бўлган бирликлари йиғиндисига лингвистик сатҳ дейилади [10].

Материали ва моҳиятига кўра тил сатҳлари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Моҳият, яъни мазмун жиҳатидан улар оддийдан мураккабга (қуйидан юқорига) тамойилига амал қилади ва фақат олдинга қараб ҳаракатланади:

фонема→морфема→лексема→сўзшакл→синтаксема→матн.

Ҳар бир сатҳга ўтилгани сари мазмун тўлишиб, тилнинг коммуникатив хусусияти ойдинлашади. Материалига, яъни товуш томонига кўра мураккабдан оддийга (юқоридан қуйига) қараб тушиб борилади. Бу тамойил бўйича тил ҳар бир сатҳда парчаланиб, бўлаканиб боради: матн→синтаксема→сўзшакл→лексема→морфема→фонема.

Сатҳларнинг бундай ўзига хос мураккаб ички алоқаларида лексик сатҳ ва унинг асосий бирлиги саналган лексема марказий ҳалқа саналади.

Тил системаси ва структурасида лексик сатҳнинг тутган ўрнини очиб бериш, унга хос бўлган умумий ҳамда хусусий қонуниятларни аниқлаш, лексемаларнинг парадигматик (ички), синтагматик (ташқи) ва прагматик (нутқий-услубий) хоссалари асосида ўзбек тилининг лексик сатҳидаги семантик майдонларни топиш ҳамда тадқиқ қилиш бугунги кунда ўзбек тилшунослигининг олдида кўндаланг бўлиб турган асосий масалалардан биридир.

Лексикани система (тизим) сифатида ўрганиш, унинг структурасини тадқиқ этиш бизга сўз илми бобида янги уфқларни очиб бериши табиий. Рус тилшунослигида Л.В.Шчерба, В.В.Виноградов, О.С.Ахманова, А.А.Уфимцева, Ю.С.Степанов, Д.Н.Шмелов, Л.А.Новиков каби олимлар томонидан лексик система ва структура етарлича тадқиқ қилинган [11].

Ш.Раҳматуллаев, И.Кўчқортоев, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, Р.Расулов, М.Миртожиев, Р.Сайфуллаева, Л.Раупова, М.Қурбонова, О.Бозоров, Ш.Искандарова, Р.Сафарова, Т.Мирзакулов, М.Абдиев, М.Нарзиева, Ш.Орифжонов, Б.Қиличев, Г.Неъматова, Ҳ.Саидова, Б.Менглиев, С.Муҳамедова, Г.Тоирова, Н.Нишонова сингари тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида лексикани тўғридан-тўғри систем тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганишга бағишланган фикр-мулоҳазаларга дуч келамиз [12].

Хусусан, Ш.Искандарова шахс микромайдони, О.Бозоров даражаланиш, Р.Сафарова, И.Эрматов гипонимия, М.Нарзиева шахс номларининг семантик структураси, Ш.Орифжонов лугавий градуонимия, Б.Қиличев партонимия, Г.Неъматова ўсимлик номлари, Ҳ.Саидова зоонимлар, Н.Нишонова хайвон архисемали лексемалар, М.Абдиев соҳавий лексиканинг систем таҳлили бўйича диққатга сазовор илмий-тадқиқот ишларини бажарган бўлсалар-да, лексик сатҳда ўз ечимини кутиб турган муаммолар кўллаб топилади.

Ўзбек тили лексикаси бўйича олиб борилган кўп йиллик кузатишлар асосида шундай фикрларни баён қилиш мумкин:

1. Тил системасида лексик система ўзининг барқарор ўрнига эга. У тилнинг бошқа сатҳлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда мустақил фаолият кўрсатади. Тилнинг лексик сатҳини фонетика, морфемика ёки синтаксиссиз тасаввур қилиб бўлмайди.
2. Лексика очик система саналади. Замона зайли билан унда янги сўзлар пайдо бўлиб, истеъмолга яроқсизлари четга чиқиб туради. Масалан, яқин тарихимизда фаол ишлатилган *коммунизм, коммунист, социализм, колхозчи, комсомол октябрат* каби сўзлар бугунги босқичда тилимиз учун ҳеч қандай аҳамият қасб этмайди. Уларнинг ўрнига лугат таркибимизга кириб келган *аудитор, валюта, дизайнер, дилер, вирус, интернет, онлайн, оффлайн, парламент, сайт; сим-карта, телеграмм* ва янгича маъно оттенкаларига эга бўлган *дастур, вазир, вилоят, рақобатбардош, сармоя, тадбиркорлик, таъхис, туман* каби янги лексик бирликларнинг қўлланилиш частотаси кучайди.
3. Лексика ички бўлинувчанлик хусусиятига эга. Ўзбек тили лексикаси беҳисоб семантик майдонлардан иборат. Майдонлар лексик-семантик гуруҳлардан, гуруҳлар эса ўз навбатида таркибига кирган элемент (эмалар) дан ташкил топган бўлади. Лексик қатламнинг бу хусусиятига унинг дискретлиги ҳам дейилади. Масалан, *вақт* (замон) семантик майдони ўз ичига *аср, йил, фасл* микромайдонларини олади. *Фасл* ўз навбатида *қиш, баҳор, ёз, куз* супермикромайдонларига бўлиниб кетади. *Бойчечак, гул, гулламоқ, куртак, кўклам, кўк сомса, кўк чучвара, лола, лолақизгалдоқ, Наврўз, офтоб, сел, сумалак* каби эмалар (семантик майдондаги энг кичик элементлар) умумий ягона чизик остида **баҳор** микромайдонига тўпланади ва бир-бирлари билан ассоциатив боғланишни ҳосил қилади.

Айнан мана шу хусусиятига кўра мазкур сўзлар белги саналади. Белгининг биринчи хоссаси унинг инсон томонидан идрок қилиниши бўлса, иккинчи хусусияти ўзи ва бошқа объект ҳақида маълумот беришидир [13]. **Баҳор** микромайдонидаги барча эмалар мазкур фасл ҳақида маълумот, ахборот ташийди. Проф. А.Нурмонов бундай муносабатларда мотивация бўлишини таъкидлайди [14], яъни *лолақизгалдоқ*ни кўришимиз билан **баҳор** ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Худди шундай ҳолатни *ёз* микромайдони остига тўпланган *жазирама, гармсел, иссиқ, саратон, тағтил, чўмилмоқ* каби сўзлар ўртасидаги муносабатларда ҳам кузатишимиз мумкин. *Куз, қиш* микромайдонлари ҳам худди шундай хоссага эга. Бир фаслга оид бўлган лексик бирликларни иккинчи фаслга нисбатан қўллаб кўрадиган бўлсак, мантикий чалқашлик келиб чиқади: систем элементлар ўртасидаги муносабатлари бузилади. Масалан, солиштириш учун қуйидаги гапда ишлатилган *"Лола сайли"* бирикмасига диққат қилиб кўринг. *Қиш ўрталарида, қор ёққанда, синфдошлар билан "Лола сайли"га чиқдик*. Бундай бўлиши мумкин эмас.

4. Лексик системадаги элементлар бир-бирлари билан иерархик муносабатда бўлади. Буни поғонали, яъни ўзаро шартланган муносабат деб ҳам атайдилар. Масалан, ҳар бир аср 100 йилликни ўз ичига олади, ҳар бир йил тўрт фасл, ўн икки ойдан иборат, ҳар бир ой 30-31 кун бўлади. Кун соатларга, соатлар дақиқаларга бўлинади. Иерархиядаги бирор элемент тушиб қолгудек бўлса, мувозанат бузилади, система парчаланadi.
5. Лексик системада қарор топган хоссалардан яна бири уни ташкил қилаётган элементлар ўртасида бутун-бўлак (холо-меронимик) ва жинс-тур (гипер-гипонимик) муносабатларнинг мавжуд бўлишидир, бироқ бу

муносабатлар нисбий бўлиши ҳам мумкин. Бутун ичига кирган бўлак (мероним) бошқа элементларга нисбатан бутунном (холоним ёки партоним) бўлиб қолади. [15] Масалан, «инсон» бутунноми бош, елка, оёқ, қорин, кўл каби бўлакномларидан иборат. Улар ичидан «бош»ни ажратиб олиб, унга алоқадор сўзлар асосида майдонча ҳосил қиладиган бўлсак, у бурун, ёнок, киприк, пешона, энса, кош сингари бўлакномларга ажралади.

6. Лексик системада учровчи муносабатларнинг салмоқли қисмини гипер-гипонимик (жинс-тур) муносабатлари ташкил қилади [15].

Масалан, «қор» сўзи *ёмғир, дўл, жала, қиров, шудринг, шабнам* сўзлари билан биргаликда *ёгин* лексик-семантик гуруҳини ташкил қилади. Мазкур парадигматик қаторда *ёгин* гипероним (тур), *қор, ёмғир, дўл, жала, қиров, шудринг* гипоним (жинс) саналади. Градуонимия (даражаланиш)ни синонимия (маънодошлик) дан фарқлаш лозим. Синонимия ифода плани ҳар хил, лекин мазмун планига кўра бир-бирига яқин бўлган сўзлардир. Бизнингча, бу икки ҳодисани фарқлашда сўзларнинг денотатив ҳамда коннотатив асосларига таяниб иш кўриш лозим.

7. Тилшуносликда денотатив асоси ўзгармаган ҳолда пайдо бўлган одам-инсон-киши; кетмоқ-жўнамоқ; осмон-кўк-фазо-само-фалак; ҳамма-барча-бари каби сўзларга синоним (маънодош сўзлар) деб қаралади, аммо маъноси бутунлай ўзгариб кетмаган, моддий асосида битта нарсанинг даражаларини кўрсатиб турувчи лексемалар ҳам учрайдики, уларга лексик градуонимик деб қаралади. Эмоционал-экспрессив, услубий бўёқ кўшилган, денотатда ўзгариш содир бўладиган чакалоқ-бола-ўспирин-йигит-чол; мудрамоқ-мизғимоқ-ухламоқ-донг котмоқ; нам-хўл-шалаббо каби лексемалара даражаланиш (градуонимия) кузатилади.

8. Лексик системанинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири унинг субстанционаллигидир.

Нарса ва ҳодисалар, воқеалар, шахслар, уларга хос бўлган белги-хусусиятлар, хатти-ҳаракатлар, миқдорий хоссалар бевосита кузатишда сўзлар орқали реаллашади. Лексикада диалектиканинг умумий-хусусийлик, моҳият-ходиса, имконият-воқелик категориялари ўз аксини топган бўлади.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, лексик сатҳ тил системаси ичига кирувчи, унинг бошқа сатҳлари билан мунтазам ва чамбарчас алоқага киришувчи мураккаб микросистема саналади (Тилга нисбатан). Ўз навбатида унинг ўзи система ҳамдир. У дискретлик (бўлинувчанлик) хоссасига эга. Лексик сатҳда ададсиз семантик майдонлар мавжуд. Улар ўзаро ва системанинг ўзи билан алоқадорликда ҳаракат қилади.

Система ичида система тамойилига кўра лексик сатҳдаги семантик майдонлар бир-бирлари билан гипер-гипонимик муносабатда туради. Катта майдонлар ўз ичида кичик майдонларга бўлиниб кетади. Кичик майдонлар яна ўз навбатида кичик майдончаларга ажралади. Шу тариқа тилнинг ўзига хос гипер-гипонимик қурилмаси, яъни иерархияси вужудга келади.

Мақоланинг асосий мақсади лексик система ичига кирувчи мазкур семантик майдонлар ва уларни ташкил қилувчи элементларнинг хусусиятларини аниқлаш, уларнинг ҳаракатланиш қонуниятларини ва бир-бирлари билан бўлган муносабатларини очиқ беришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдишлари ва йўналишлари. – Тошкент: Таълим нашриёти, 2009. – 6-7 бетлар.
2. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 7- бет.
3. Бу ҳақда қаранг: Рождественский Ю.В. Лекции по общему языкознанию. – М.: Высшая школа, 1990. – С. 106-107.
4. Бу ҳақда қаранг: Радченко О.А. Лингвофилософские опыты В. фон Гумбольдта и послегумбольдтианство //Вопросы языкознания. – 2001. – № 3. – С. 96-125.
5. Ўзбек тилининг изоғли луғати. 5 жилдлик. – 3-жилд. – Тошкент: ЎМЭ давлат нашриёти, 2008. – бет.
6. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2001. – Б. 91-118.
7. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – Б. 147.
8. Ньёматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 123.
9. Фердинанд де Соссюр. Труды по языкознанию. – юкоридаги жойда.
10. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 8.
11. Бу ҳақда маълумот олиш учун қаранг: Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977; Ахманова О.С.Очерки по общей и русской лексикологии. – М.: Учпедгиз,1957; Уфимцева А.А. Опыт изучения лексики как системы (на материале английского языка). – М.: Изд-во АН, 1962; Шмелов Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – М., 1973; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: Высшая школа, 1982 ва бошқалар.

12. Раҳматуллаев Ш. Лексик маънони компонентлаб таҳлил қилиш тажрибасидан // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. – 1979. – № 4. – Б. 56-60; Бегматов Э., Неъматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислар) // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. – 1989. – № 6. – Б. 35-40; Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикология асослари.
13. Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 1997;
14. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 1999; Сафарова Р.Г. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1990; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия. – Филол. фан. номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 1996; Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия: Филол. фан. номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 1997 Менглиев Б.
15. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. – Тошкент: 2002. – 46 б.
16. Панфилов В.В. О гнесеологических аспектах проблемы языкового знака // Ж. Вопросы языкознания. – 1977. – № 2. – Б. 3.
17. Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. – Андижон. 1992. – Б. 5-6.
18. Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореферати. – Тошкент, 1997. – Б. 7-17
19. Бу ҳақда қаранг: Сафарова Р.Г. Гипонимия в узбекском языке (На материале общеупотребительных зоонимов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1990; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореферати. – Тошкент, 1996.